Бир функция ичида бошқа функция аниқланиши мумкин эмас, лекин функция ичида ўзини-ўзи чақириши мумкин. бундай ҳолатни рекурсия ҳолати дейилади. Рекурсия 2 хил бўлади: тўғри рекурсия ва билвосита рекурсия. Агар функция ўзини-ўзи чақирса, бу тўғри рекурсия дейилади. Тўғри рекурсияда функциянинг нусхаси чақирилади. Агарда функция бошқа бир функцияни чақирса ва у функция ўз навбатида 1-сини чақирса, у ҳолда билвосита рекурсия дейилади. Рекурсия 2 хил натижа билан якунланади: бирор натижа қайтаради ёки ҳеч качон тугалланмайди ва хатолик юз беради. Бундай ҳолатларда рекурсив функциялар учун рекурсияни тўхтатиш шартини бериш зарур, чунки рекурсияда хотира етишмаслиги хавфи бор.

4-мисол. F = n! ни хисоблаш учун функция ташкил этинг ва ундан фойдаланинг.

```
# include <iostream.h>
# include <conio.h>
void  main( )
```

```
{ int n, f, fac(int);
cout <<"sonni kiriting:";  cin >> n;
f = fac(n);  cout <<"sonning factoriali="<<f<<endl;
getch( );
}
int  fac(int i)
{  return  i <=1 ? 1 : i * fac( i - 1);  }
```

5-мисол. Фибоначчи сонларини хосил килиш дастурини тузинг. Фибоначчи сонлари қуйидагича топилади:

$f_0 = 1;\ f_1 = 1;\ f_2 = f_1 + f_0;$ ……

$f_n = f_{n-1} + f_{n-2};$

Рекурсив жараённи тўхтатиш шарти n < 2 деб олинади. Масалан 9-ўриндаги Фибоначчи сонини топиш керак.

```
# include <iostream.h>
void main ( )
{ int n, f ;  int  fib ( int );
cout  << “Nomerni kiriting =”;
cin >> n;
f = fib (n);
cout << “Fibonachi soni=”<< f << endl;
}
int  fib ( int n )
{   if  ( n < 2) return  1;  else  return ( fib (n-2) + fib (n-1));  }
```

6-мисол. $Z = \dfrac{a^5 + a^{-4}}{2a^n}$ ҳисоблаш дастури тузилсин. Бу ердаги даражани ҳисоблаш функция сифатида ташкил этилсин. $y = x^n$ ни функция деб ташкил этамиз, бу ерда x, n - расмий параметрлар

```
 # include <iostream.h>
float dar (float x, int n)
{  float y=1;
for (int  i=0; i<=n; i++)
   y = y*x;
   return  y; }
void  main( )
{
int n=3 ;   float  a, z;
cin>>a;
z = ( dar(a, 5) + dar(1/a, 4))/ (2* dar(a, n)) ;
 cout << "z="<<z<<endl;    }
```

Бир хил номдаги функцияларни ҳар хил тоифали ўзгарувчилар рўйхати билан мурожаат қилиб чақириш мумкин. Параметрлар сони кам ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда параметрлар рўйхати ва қийматларга қараб компилятор ўзи қайси функцияни чақириш кераклигини аниқлайди. Масалан:

```
1. double  multi (float x)
   {return  x*x*x; }
2. double  multi (float x, float y)
    { return  x*y*y;  }
3.        double  multi (float x, float y, float z)
```

```
{  return  x*y*z;   }
```

ва қуйидаги мурожаатларнинг ҳаммаси тўғри ёзилган:

```
multi  (0.5);
multi (1.45, 7);
multi (10, 39, 54);
```

Функцияларнинг бир хил ном билан аталиши полиморфизм деб аталади. Поли – кўп, морфе – шакл деган маънони билдиради.

Масалан:

```
# include <iostream.h>
int  max (int a, int b)
{  if  (a>b)  return  a;  else  return  b;}
float  max (float a, float b)
{  if  (a>b)  return  a;  else  return  b;}
void  main ( )
{
int  a1, b1; float a2, b2;
cin >> a1>>b1;
cout << "butun max="<<max(a1, b1)<<endl;
cin >>a2>>b2;
cout <<"haqiqiy max= "<< max(a2, b2)<<endl;
}
```

1-мисол. В ва С векторларининг узунликларини ҳисоблаш дастурини тузинг. Вектор узунлигини ҳисоблаш учун функциядан фойдаланинг.

```
# include  < iostream. h>
float  vector (int d[ ], int k)
{  float  s=0;  int  i ;
for  (i=0;  i<k;  i++)
s = s + d[i] * d[i];
s = sqrt (s);
return  s;  }
void  main ( )
{
int  b[3] = {10,20,30},  c[4] = {14,15,16,17};
float   s1,  s2;
s1 = vector (b, 3);
s2 = vector (c, 4);
cout <<"s1=" << s1 <<"  s2=" << s2 << endl;
}
```

2-Мисол. Бутун сонли 4х5 матрицаси берилган. Аниқ бир сондан кичик бўлган хадларининг йиғиндисини топиш дастурини тузинг. Матрица элементларини киритиш (тасодифий сонлар ёрдамида), чиқариш ва йиғиндини ҳисоблаш жараёнларини функция сифатида ташкил этинг.

Функция ичида 2 ўлчовли массивлардан фойдаланилганда унинг 1-параметрини, яъни сатрлар сонини кўрсатмаслик ҳам мумкин, лекин 2-параметрини, яъни устунлар сонини албатта кўрсатиш шарт.

```
# include <iostream.h>
# include <conio.h>
```

```
# include <stdlib.h>
# include <time.h>
void  kir(int m[ ][5], int k);
void chiq(int m[ ][5], int k);
int  summa(int m[ ][5], int k, int x);
int i, j ;
void  main ( )
{ int matr[4][5]; int a, s;  int b[ ][3];
cout<<"sonni kiriting=";  cin>>a;
kir(matr, 4);   chiq(matr, 4);
s = summa(matr, 4, a);
cout<<"s="<<s<< endl;
getch( );    }

void  kir(int m[ ][5], int k)
{ srand(time(0));
for (i=0;i<k;i++)
for (j=0;j<5;j++)
m[i][j]=rand( ) - 200; }

void chiq(int m[ ][5], int k)
{ for (i=0;i<k;i++)
for (j=0;j<5;j++)
cout <<m[i][j]<<endl; }

int  summa(int m[ ][5], int k, int x)
{ int s1 = 0;
for (i=0; i<k; i++)
for (j=0; j<5; j++)
if (m[i][j] < x)  s1 = s1 + m[i][j];
return s1; }
```

Функцияларга мурожаат қилиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Функция бажарилаётганда расмий параметрлар учун хотирадан жой ажратилади, яъни улар функциянинг ички параметрларига айлантирилади. Бунда параметр тоифаси float тоифаси double тоифасига, char ва shortint тоифалари int тоифасига айлантирилади.
2. Ҳақиқий параметрлар қийматлари қабул қилинади ёки ҳисобланади.
3. Ҳақиқий параметрлар расмий параметрлар учун ажратилган хотира қисмига ёзилади.
4. Функция танаси ички параметрлар ёрдамида бажарилади ва қиймат қайтариш жойига юборилади.
5. Функциядан чиқишда расмий параметрлар учун ажратилган хотира қисми бўшатилади.

Дастурдаги ҳар бир ўзгарувчи - объект ҳисобланади. Унинг номи ва қиймати бўлади. Ҳар бир объект хотирадан маълум жой эгаллайди ва улар маълум адресга эга бўлади. Дастурлашнинг маълум этапларида ўзгарувчининг ўзига эмас, балки унинг адресига мурожаат қилишга тўғри келади. Бундай пайтларда кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткич - бу бирор ўзгарувчининг адресини ўзида сақловчи ўзгарувчидир. Адрес - бу хотира ячейкасининг тартиб номери. Умуман олганда адрес 4 байт жой олади.

Кўрсаткичларни эълон қилишда унинг тоифаидан кейин * белгиси ва ўзгарувчи номи келтирилади.
Масалан: int a; char *d; int *p;
Кўрсаткичлар ҳам инициализация қилиниши мумкин. *p = 6; *d = '$';
cout <<*p билан cout <<p нинг фарқи бор. *p да шу ердаги қиймат чиқади, p нинг ўзини ёзсак, шу ернинг адрес номери чиқади. Масалан:
int a=10, b=5, e, *m;
e = a + b;
*m = e;
cout <<*m; деб ёзилса, m = 15 чиқади;
cout <<m; деб ёзилса, m = 0xfff2 чиқади, яъни шу ернинг адрес номери чиқади.
Уларнинг кийматларини "адресини ол!" (&) операцияси орқали амалга оширса ҳам бўлади, яъни m=&e; cout <<*m; деб ёзиш хам мумкин, у ҳолда m=15 чиқади, яъни e нинг адресидаги сон қиймат чиқади. Буни билвосита мурожаат оператори ҳам дейилади.
Масалан:
int h;
int *p=35;
h = &p;
Натижа: h = 35;
Адреси олиш амали (&) сон ёки ифодаларга қўлланилмайди, яъни &3.14 ва &(a+b) ёзувлари хатодир.
Кўрсаткичлар устида қуйидаги амалларни бажариш мумкин:
Кўрсаткичлар устида арифметик амаллар бажариш:
*p1-*p2; *p1+*p2
Кўрсаткичларга бирор сонни қўшиш ёки айириш:
*p1 - 25; *p1+3.45
Кўрсаткичларни биттага ошириш ёки камайтириш:
*p1++ ёки --*p1

Мисол.
```
# include <iostream.h>
# include <conio.h>
void main ( )
{
int x=10, y=10; int *xp, *yp;
*xp = &x; *yp = &y;
if (xp = = yp) cout <<"ular teng!"<<endl;
else cout <<"ular teng emas!"<<endl;
if (*xp = = *yp) cout <<"ular teng!"<<endl;
else cout <<"ular teng emas!"<<endl;
getch( ); }
```
1- if да улар тенг эмас чиқади, чунки уларнинг адрес қийматлари ҳар хил.
2- if да улар тенг чиқади, чунки уларнинг адресларидаги сон қийматлари бир хил

2-мисол.
```
# include <iostream.h>
void main ( )
{ int m = 5, *p = 0;
p = &m;
cout << m << endl;
cout << *p<<endl;
*p = 7;
```

Натижа:
m = 5
*p = 5
m = 7
*p = 7
m = 9
*p = 9

```
cout << m << endl;
cout << *p << endl;
m = 9;
cout << m << endl;
cout << *p << endl;
}
```

Баъзи масалаларда функция билан ишлаганда функция танаси ичида ҳақиқий параметрлар қийматларини ўзгартириш зарурияти туғилади, яъни натижа бир эмас, балки бир нечта ҳосил бўлиши керак бўлади. Бундай жараённи процедуралар ҳосил қилиш дейилади ва бу муаммони хал қилиш учун кўрсаткичлардан фойдаланилади. Функцияни аниқлаштиришда расмий параметрлар билан бир сатрда натижалар номлари ҳам кўрсатилади. Шунинг учун процедуралар билан ишлаганда функция тоифасини бўш (void) деб олиш мақсадга мувофиқдир. return шарт бўлмай қолади.

Масалан: томонлари берилган тўртбурчакнинг периметрини ва юзини ҳисоблаш учун функцияни қуйидагича аниқлаштирилади:

```
void tt (float a,float b, float* p, float* s)
{  *p = 2*(a+b);  *s = a*b;  }
```

Бу ерда float a, float b бериладиган катталик ҳисобланади, float* p, float* s лар эса натижалар ҳисобланади.

Бу функцияга мурожаат қилиш қуйидагича бўлади:

```
tt (2.3, 4, &p, &s); яъни  2*(a+b);  ва  a*b  нинг қийматлари адреслар бўйича олинади.
{Процедураларни бериладиган катталикларсиз ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда функция танаси ичида ишлатилган барча катталиклар бериладиганлар ҳисобига ўтади. }
```

Ҳосил қилинган процедураларга мурожаат қилиш адрес (&) операцияси орқали амалга оширилади.

Масалан: $Z = \frac{a^5 + a^{-4}}{2a^n}$ ҳисоблаш дастури тузилсин. Бу ердаги даражани ҳисоблаш процедура сифатида ташкил этилсин. $y = x^n$ ни процедура деб ташкил этамиз, бу ерда x, n - расмий параметрлар

```
 # include <iostream.h>
void  dar1 (float x, int n, float *y)
{  *y=1;
for (int  i=0; i<=n; i++)
   *y = y*x;  }
void  main( )
{
int n=3 ;   float  a, z, z1, z2, z3;
cin>>a;
dar1(a, 5,&z1); dar2( 1/a, 4, &z2); dar1(a, n, &z3);
z = ( z1+z2) / z3 ;
 cout << "z="<<z<<endl;
}
```

2-мисол. 2та вектор берилган. Векторлар орасидаги бурчак қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\varphi = \arccos \frac{(x, y)}{\sqrt{(x, x)(y, y)}}$$

бу ерда (x,y), (x,x), (y,y) - векторларнинг скаляр кўпайтмаси. Векторларнинг скаляр кўпайтмасини дастурда процедура сифатида ташкил этинг.

```
# include <iostream.h>
# include <math.h>
typedef  float  mm[4];
void  vec(mm a, mm b, float* s)
{*s=0;
  for (int i=0; i<4; i++)
  *s=*s+a[i]*b[i];     }
void main ( )
{float fi, f1, f2, f3;  int i;
mm   x, y;  // mm x={1,2,3,4}, y={5,6,7,8};
for  (i=0; i<4; i++)
cin >>x[i] >> y[i];
vec (x, y, &f1);  vec (x, x, &f2);  vec (y,y,&f3);
fi = f1 / sqrt( f2*f3);  fi = atan(sqrt (1-fi*fi) / fi);
cout << "fi="<<fi*180/3.1415<<endl;   // natija gradusda chiqadi
getch( );  }
```

Процедураларни ташкил этишда кўрсаткичлардан ташқари яна иловалардан ҳам фойдаланилади. Бу усул янада қулай ҳисобланади. Унда (*) амалининг ўрнига тўғридан-тўғри адрес олиш (&) амали ишлатилади ва процедурага мурожаат қилиш осонлашади. Масалан:

```
void tt (float a,float b, float& p, float& s)
{  p = 2*(a+b);  s = a*b;  }
```

Бу функцияга мурожжат қилиш қуйидагича бўлади:

```
tt (2.3, 4, p, s);
```

Мисол. Бир фермернинг ер юзасини ва шу ерга тўлайдиган ер солиғини ҳисоблаш дастурини тузинг. Ер майдони қуйидаги кўринишда:



```
# include <iostream.h>
# include <math.h>
# include <conio.h>
# define pi 3.1415
void yuza (int a, int b, int al, float& c, float& s)
{ c = sqrt(a*a+b*b-2*a*b*cos(al*pi/180));
  s = a*b*sin(al*pi/180)/2;    }
void  main ( )
{ int  a1=10, b1=30, a2=40, b2=40, a3=30,b3=50,al1=85, al2=145, al3=125;
float c1, c2, c3, s1, s2, s3, s4, s, sol, p;
yuza (a1, b1, al1, c1, s1);  // yuza (10, 30, 85, c1, s1) deb yozsa ham bo'ladi
yuza (a2, b2, al2, c2, s2);
yuza (a3, b3, al3, c3, s3);
p = (c1+ c2 + c3) / 2;
```

```
s4 = sqrt ( p*(p - c1)*(p - c2)*(p - c3));
s = s1+s2+s3+s4;
s = s/100;  sol = s * 8560;  //       (som)
cout <<"er yuzasi="<< s << endl;
cout << "soliq="<<sol<<endl;
getch( );
}
```

2-мисол. Квадрат тенгламанинг ҳақикий ечимларини топиш дастурини тузинг.

```
# include <iostream . h>
# include <math . h>
int  kvad (float a, float b, float c, float &x1, float &x2)
{ float  d ;
d = b * b – 4*a*c;
if ( d < 0 )  return 0;
x1 = (-b + sqrt (d)) / (2*a);
x2 = (-b - sqrt (d)) / (2*a);
if ( x1 = = x2) return 1;  else  return 2;
}
void  main ( )
{ float a, b, c, x1, x2;   int  k;
cin >> a >> b >> c;
k = kvad (a, b, c, x1, x2);
switch ( k )
{
case 0 : cout << “echimi yo’q”<< endl;  break;
case  1 : cout << “x=”<< x1 << endl;  break;
case  2 : cout << “x1=”<< x1 << “  x2=” << x2 << endl;  break;
}
}
```

3-мисол. 4x4 ва 4x5 ўлчамли матрицалар берилган. Улардаги жуфт устунлари хадлари йғиндисини топиш дастурини тузинг. (натижа вектор кўринишида чиқади)

```
# include <iostream. h>
typedef   float  mmm[10][10];
typedef  float  mm[10];  int  i,  j;
void  nodir  (mmm  a,  int  n,  mm  b)
{
for  (j=0;  j<4;  j+=2)
{  b[j] = 0;
for  (i=0;  i<n;  i++)
b[j] = b[j] + a[i][j]; } }
void  main ( )
{  mmm  d = {{1,2,3,4},{1,2,3,4},{1,2,3,4},{1,2,3,4}};
mmm  d1 = {{1,2,3,4,5},{1,2,3,4,5},{1,2,3,4,5},{1,2,3,4,5}};
mm  c, c1;
nodir  (d, 4, 4, c);
nodir (d1, 4, 5, c1);
for  (i=0;  i<4;  i++)
{ cout <<”c=”<< c[i];
```

```
cout  << “c1=”<< c1[i] << endl;
}
```

Назорат саволлари:

1. Функцияларни ташкил этиш.
2. Функция номи, тавфсилотчиси, параметрлари.
3. Функцияга мурожаат.
4. Кўрсаткичларни эълон қилиш.
5. Кўрсаткичлар қийматини аниқлаш.
6. Кўрсаткичлар устида амаллар.
7. Вектор узунлигини ҳисобловчи функция ташкил этиш.
8. Функцияларни полиморфизм хусусияти.
9. Функцияларга мурожаат қилиш босқичлари.
10. return операторининг вазифаси.

Тестлар:

1. Қайси символ ёрдамида кўрсаткич аниқлайдиган манзил қийматини олиш мумкин?
   A) '&'
   B) '^'
   +C) '*'
   D) '%'
   E) '@'
2. Қайси символ ёрдамида ўзгарувчи адресини олиш мумкин?
   +A) '&'
   B) '^'
   C) '*'
   D) '%'
   E) '@'

3. Илова ҳақидаги нотўғри ибора аниқлансин
   A) илова –шартли ном
   +B) илова –ўзгарувчи
   C) илова қайта белгиланмайди
   D) илова нолга тенг бўлмайди
   E) илова учун адрес бўйича қиймат олиш автоматик бажарилади

Маъруза-23. (2 с)

Мавзу: РЕКУРСИЯЛАР, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.

Мақсад: ***Талабаларга рекурсиялар, уларни ташкил этиш асослари устида амалларни бажариш асосларини ўргатиш.***

Калит сўзлар: Рекурсия, ўзига мурожаат, параметр, ҳақиқий, сохта.

Режа:

1. **Рекурсив функциялар.**
2. **Рекурсияда қиймат айирбошлаш..**

3.

C/C++ тилида функциялар.

Умуман олганда C/C++ тилида барча ёзувлар функциядан иборат деб қаралади. Функция бу маъносига кўра бажарилувчи модуль бўлиб ҳисобланади. Функцияни бошқа дастурлаш тилларида қисм дастур, процедура, процедура функция деб юритилади. C/C++ тилида функция стандарт формага асосан қуйидагияа ифодаланади:

функция тоифаси функция номи (сохта параметрлар рўйхати)
{ функция танаси }

Функция тоифаси исталган тоифа ёки void (бўш) тоифа бўлиши мумкин.
Функция номи исталган лотин ҳарфи ёки ҳарфларидан иборат бўлиб, хизматчи сўзлар билан бир хил бўлмаслиги лозим.
Сохта параметрлар рўйхатида ишлатиладиган параметрларга мос тоифали ўзгарувчилар тоифалари билан алоҳида-алоҳида келтирилади ёки бу соха бўш бўлиши ҳам мумкин. Эслатиб ўтиш лозимки, функция аниқлаштирилаётганда нуқта вергул белгиси қўйилмайди.
Функция танаси ўзининг фигурали қавсларига эга бўлиб, ўзида шу функцияни ташкил этувчи операторлар ёки операторлар блокини мужассамлаштиради. Бир функция танаси ичида бошқа функция аниқланиши мумкин эмас.
Функция танасидан чиқиш
return;
ёки
return ифода;
кўринишида бўлади. Агар функция ҳеч қандай қиймат қайтармайдиган, яъни тоифаси void бўлса, биринчи кўринишдаги чиқиш ишлатилади. Агар функция унинг тоифасига мос бирор қиймат қайтарадиган бўлса, иккинчи кўринишдаги чиқиш ишлатилади. Си тилида қуйидаги кўринишлар эквивалент хисобланади, лекин биринчи кўриниш кўпроқ ишлатилади:

```
double  f (int n, float x)
{
   функция танаси;
  }
```

```
double  f ( n, x)
int n;   float x;
{
   функция танаси;
   }
```

Дастурда функция ишлатиладиган бўлса, уни албатта эълон қилиш шарт. Функцияни эълон қилишда унинг тоифаси, номи ва қайтарадиган параметрлари ҳақида хабар берилади. Дастурда бирор функцияни олдиндан эълон қилмасдан туриб уни чақириш мумкин эмас. Функцияни асосий функция main( ) дан олдин ва кейин аниқланиши мумкин. Агар функция асосий функциядан олдин аниқланса, у аниқланиши билан бирга эълон қилинган деб ҳисобланади ва уни алоҳида main( ) ичида эълон қилиш шарт бўлмай қолади. Агар функция асосий функциядан кейин аниқланаётган бўлса, уни main( ) ичида албатта эълон қилиш шарт бўлади. Функцияни main( ) ичида эълон қилинадиган бўлса, унинг номи билан бирга ишлатиладиган параметрларининг фақатгина тоифалари кўрсатилиши ҳам мумкин. Масалан:

```
int  myFuncsion ( int, float);
double Area (float, float);
```

Функцияга мурожаат қилишдан унинг сохта параметрлари аниқланган бўлиши, яъни ҳақиқий параметрлар берилган бўлиши лозим. Функцияга мурожаат қилиш қуйидагича амалга оширилади:

функция_тоифаси функция_номи (ҳақиқий параметрлар рўйхати);

Масалан:

myFuncsion (78, 3.0+m);
Area (a, b);
g (6.4e-2, 5, 70);
Функциянинг сохта ва ҳақиқий параметрларининг тоифаси, параметрлар сони ва уларнинг келиш ўринлари албатта бир бирига мос келиши шарт!
Функцияга мурожаат қилинганидан сўнг аниқланган функция танаси бажарилади ва мос тоифали қиймат чақирилган жойга қайтиб келади.
Масалан: қуйидаги функция чақирилганида float тоифали натижа қайтаради:

```
float  ft (double x, int n)
{
 if (x < n) return  x;
 else  return  n;
 }
```

Функцияларга мурожаат қилинганида унинг узатиладиган параметрларига алоҳида эътибор бериш керак. Параметрларнинг узатилиши қуйидаги босқичлардан иборат:

- Функцияни ташкил этадиган сохта параметрлар учун хотирадан жой ажратилади. Агар параметрлар ҳақиқий тоифага эга бўлса, улар double тоифага, агар char ва short int тоифали бўлсалар, улар int тоифаси сифатида ташкил этиладилар. Агар параметрлар массив шаклида бўлсалар, массив бошига кўрсаткич қўйилади ва у функция танаси ичида массив параметр бўлиб хизмат қилади.
- Функция чақирилганидан керак бўладиган ифодалар ёки ҳақиқий параметрлар аниқланади ва улар сохта параметрлар учун ажратилган жойга ёзилади;
- Функция чақирилади ва аниқланган ҳақиқий параметрлар ёрдамида ҳисобланади. Бу ерда ҳам агар параметрлар ҳақиқий тоифага эга бўлса, улар double тоифага, агар char ва short int тоифали бўлсалар, улар int тоифаси сифатида ташкил этиладилар.
- Натижа функция чақирилган жойга қайтарилади.
- Функциядан чиқишда сохта параметрлар учун ажратилган хотира қисми бўшатилади.

Функцияга мурожаат қилиш ифодани ташкил этади, лекин агар функциянинг қайтарадиган қиймати бўш (void) бўлса, у ифода бўлмаслиги ҳам мумкин. Унда бундай функцияларга мурожаат қилиш қуйидагича бўлади:
функция номи (ҳақиқий параметрлар);
Масалан:

```
void print (int gg, int mm, int dd)
{
  cout<< ”\n yil:”<< gg;
  cout << “ \n oy: ” << mm;
  cout << “ \n kun: ” << dd;
}
```

кўринишидаги функцияга **print (1966, 11, 22);** деб мурожаат қилинса, қуйидаги натижа чиқади:

```
yil: 1966
oy: 11
kun: 22
```

Баъзан умуман ҳеч қандай параметрсиз функциялар ҳам ишлатилади. Масалан:

```
void  Real_Time (void)
{
  cout << “ Hozirgi vaqt: “ << TIME “(soat: min: sek)”;
}
```

функциясига **Real_Time ( );** деб мурожаат қилинса, экранга
Hozirgi vaqt: 14: 16: 25 (soat: min: sek) деган ахборот чиқади.

5.2. Функция параметрларида кўрсаткичлар.

...
1 –мисол.

```
# include <iostream.h>
void main( )
{
  float  x, y;
  void  aa( float *, float *);
  cout <<" x="<< x <<endl;  cin >> x;
  cout <<" y=" << y << endl;    cin >> y;
   aa ( &x, &y);
   cout << "\nNatija: \n";
  cout <<"x="<<x<<"y="<<y;
  }
void aa (float *b, float *c)
 { float e;
   e = *b;
  *b = *c;
  *c = e;
  }
```

Асосий дастурда x ва y ўзгарувчиларининг қийматлари клавиатурадан киритилади. Масалада иккита сон ўзаро ўрин алмашиши сўралмоқда. aa ( ) функциянинг сохта параметрлари сифатида float * тавсия этилган. aa () функциясига мурожаат қилинганида x ва y ларнинг сон қийматлари ҳақиқий параметрлар сифатида қабул қилинади. Бу дастурнинг ишлаши жараёнида қуйидаги натижалар олинади:

```
x=33.3 y=66.6  қийматлар киритилса
Natija:
x=66.600000  y=33.300000
```

2-мисол.
Учбурчакнинг периметри ва унинг юзасини ҳисоблаш учун дастур.

```
# include <iostream.h>
# include <math.h>
void main ( )
{
  float x, y, z, pp, ss;
  int tria (float, float, float, float *, float *);
  cout <<" x=";  cin >> x;
  cout <<" y="; cin >> y;
  cout <<" z="; cin >> z;
  if (tria (x, y, z, &pp, &ss)==1)
  cout <<"Uchburchak yuzasi="<< ss <<"  va perimetri="<< pp <<endl;
   else
  cout << "Ma'lumotlar noto'g'ri kiritilgan!" << endl;
}
```

```
 int tria ( float a, float b, float c, float *pp, float *ss)
{
  float e;
  if (a+b<=c || a+c<=b || b+c<=a) return 0;
  else
   { *pp = a+b+c;
     e=*pp/2;
    *s=sqrt(e*(e-a)*(e-b)*(e-c));
     return 1;
}
```

Дастурнинг бажарилишига мисол:

x=3
y=4
z=5
pp=12.00000
ss=6.00000

5.3. Функция параметрларида массивлар ва қаторлар

Массив параметрлар. Агар функциянинг параметри сифатида массивлар ишлатилса, функция ичида массив бошланишининг адреси узатилади. Бунга мисол тариқасида векторларнинг скаляр кўпайтмасини ҳисобловчи функция сарлавхасини кўриб чиқамиз:

```
float skalyar( int n, float a[ ], b[ ])   ёки
float skalyar (int n, float *a, float *b)
```

Бу ерда float a[ ] ва float *a ёзувлари параметр сифатида бир хил маънони англатади.

Қаторлар функция параметри сифатида.

Қаторлар функция параметри сифатида ишлатиладиган бўлса, char [ ] ёки char* тоифали кўрсаткичлардан иборат бўлади. Оддий массив параметридан фарқли ўлароқ, қаторнинг узунлигини кўрсатиш шарт эмас. Бунда \0 белгиси қатор охирини автоматик равишда кўрсатади. Мисол тариқасида қаторларни қайта ишловчи бир нечта дастурларни кўриб чиқамиз. Бу дастурларнинг ўхшаши стандарт кутубхоналарда сақланади ва уларни ишга тушириш учун string.h stdlib.h файлларини улаш керак бўлади.

1. Қатор тоифали ўзгарувчининг узунлигини аниқлаш учун функция:

```
int len(char e[ ])
{ int m;
  for(m=0; e[m]!='\0'; m++)
  return m;  }
```

Ёки бу дастурдаги массивни кўрсаткичлар орқали қуйидагича ифода этиш ҳам мумкин:

```
int len(char *s)
{ int m;
  for(m=0; *s!='\0'; m++)
  return m;  }
```

2. Қатор тоифали массив элементларини тескари ифода этиш учун функция:

```
void invert (char e[ ])
{  char s;  int  i, j, m;
   for (m=0; e[m]!='\0'; m++)
   for(j=0, j=m-i; i<j; i++, j- -)
  { s=e[i];  e[i] = e[j]; e[j] =s; }  }
```

Дастурдаги void тоифадан маълумки, бу функция ҳеч қандай қиймат қайтармайди.

Масалан:

```
# include <iostream.h>
void main( )
{ char ct[ ] =”0123456789”;
 void invert (char [ ]);
  invert(ct);  cout << ct;  }
```

Натижа: 9876543210

3. Қаторнинг чап томонидан киритилган бошқа қаторни қидириш функцияси:

```
int  index(char *ct1, char *ct2)
{ int i, j, m1, m2;
  for(m1=0; ct1[m1]!=’\0’; m1++)
  for(m2=0; ct2[m2]!=’\0’; m2++)
  if (m2>m1) return -1;
  for(i=0; i<m1-m2; i++)
  {  for(j=0; j<m2; j++)
    if (ct2[j] !=ct1[i+j] ) break;
    if (j==m2) return 1; }
    return  -1; }
```

Функциянинг ишлашига мисол:

```
# include <iostream.h>
void main ( )
{ char  c1[ ] =”og`irlik_yig`indisi”;
  int index(char[ ], char[ ]);
  char c2[ ] = “non”;
  char c3[ ] = “olma”;
  cout<< index(c1,c2);
  cout<< index(c1,c3);
 }
```

Назорат саволлари:

11. Функцияларни ташкил этиш.
12. Функция номи, тавфсилотчиси, параметрлари.
13. Функцияга мурожаат.
14. Кўрсаткичларни эълон қилиш.
15. Кўрсаткичлар қийматини аниқлаш.
16. Кўрсаткичлар устида амаллар.
17. Вектор узунлигини ҳисобловчи функция ташкил этиш.
18. Функцияларни полиморфизм хусусияти.
19. Функцияларга мурожаат қилиш босқичлари.
20. return операторининг вазифаси.

Тестлар:

2. Қайси символ ёрдамида кўрсаткич аниқлайдиган манзил қийматини олиш мумкин?
   A) '&'
   B) '^'
   +C) '*'
   D) '%'
   E) '@'
2. Қайси символ ёрдамида ўзгарувчи адресини олиш мумкин?
   +A) '&'
   B) '^'

C) '*'
D) '%'
E) '@'

3. Илова ҳақидаги нотўғри ибора аниқлансин
A) илова –шартли ном
+B) илова –ўзгарувчи
C) илова қайта белгиланмайди
D) илова нолга тенг бўлмайди
E) илова учун адрес бўйича қиймат олиш автоматик бажарилади

Маъруза-24. (2 с)

Мавзу: ҚИДИРИШ АЛГОРИТМИ: БИНАР, КНУТТ, ҚАЙТА ТЕРИШ, МОРИС-ПРАТТ УСУЛЛАРИ.

Мақсад: ***Талабаларга қидириш алгоритми: бинар, Кнутт, қайта териш, Морис-Пратт усуллари асосларини ўргатиш.***

Калит сўзлар: ***қидириш, бинар, қайта териш.***

Режа:

1. **Элементларга қидириш орқали ишлов бериш.**
2. **Кнутт алгоритми.**
3. **Қайта териш алгоритми.**
4. **Морис-Пратт усули.**

1.12. Қидирув

Дастурлашда жуда кўп маротаба дуч келадиган ҳаракатлардан бири бу – қидирувдир. У ўзи мукаммал масала бўлиб сифатида намоён бўлиб, унда турли тузилмалар(структуравий берилганлар)ни синовдан ўтказиш мумкин. Бир нечта асосий “бу мавзунинг вариациялари” мавжуд ва улар учун турли хил кўринишдаги алгоритмлар яратилган. Кейинги муҳокамаларда, биз шунга ўхшаш принципиал йўл қўйишларни қараб ўтамиз: фиксирланган берилган элементни берилганлар синфи ичидан излаш зарур. N та элементдан ташкил топган тўплам берилган деб ҳисоблаймиз, ва қуйидаги массив кўринишида келтириб ўтамиз:
a: ARRAY [0….N-1] OF item;

Одатда item типи (тури) (ключ) калит рўлини бажарадиган айрим поле (майдонлар)лардан ёзиб олишларни ифодалайди. Қидирувга қўйилган масала шундан иборат бўладики, калит “қидирув аргументи” *x* га деб олинади. *a[i].key =x* шартни қаноатлантирувчи і индексли олинган натижа, бошқа майдонларга ўша қатнашган элемент мурожаат қилишини таъминлайди. Бизни қизиқтираётган масала биринчи навбатда, топиш берилганлар эмас, қидирув жараёнининг ўзи қизиқтиради, item типи фақат у калит вазифасини ўзига олади (*key*), деб ҳисоблаймиз.

1.12.1. Чизиқли қидирув

Агар қидирилаётган “берилган”лар ҳақида ҳар қандай қўшимча маълумотлар йўқ бўлса, унда излаш оддий ёндошув – содда кетма-кет массивини қадамларнинг катталашиб борилиши қадамба қадам у ёки бу қисмини ... исталган элементини кўриб

чиқишдан иборат бўлади. Бундай усул *чизиқли излаш* дейилади. Қидирувни якунлаш шарти қуйидагича:

1. Элемент топилди, яъни $a_i = x$.

2. Барча массивлар кўриб чиқилди ва учтма-уст тушишлар кузатилмади. Бу эса бизга чизиқли алгоритмни беради:

$$i := 0 \qquad (1.36)$$

WHILE (i< N) & (a[i] # x) DO I := i+1 END;

Мантиқий ифодаларда элементлар тартиби муҳим аҳамиятга эгалигига эътибор беринг. Цикл (такрорланиш) инварианти, яъни шартнинг I индекснинг ҳар бир ортиб бориши олдидан бажарилиши, қуйидиги кўринишга эга бўлади:

$$(0 \le i < N) \ \& \ (Ak: 0 \le k < i: a_k \ne x). \qquad (1.37)$$

i нинг қанча кам қийматларида k барча қийматлари учун устма-уст тушишлар кузатилмади. Бу ерда бундай асосдан, қидирув якунланади фақат шу ҳолатда такрорланиш(цикл) сарлавҳасида фақат шартнинг мураккаблиги ҳолатида қидирув якунланади, ундан кейин узил-кесил шартни чиқариш мумкин:

$((i = N) OR (a_i = x)) \& (Ak: 0 \le ki: a_k \ne x)$.

Бу шарт нафақат қутилган натижани тасдиқлайди, балки бундан келиб чиқадики, агар элемент топилган бўлса, у ҳолда индекснинг минимал имконияти билан топилган, яъни бундай элементлардан биринчиси. $i = N$ тенглик, устма-уст тушишлар мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Ҳақиқатдан ҳам, цикл (такрорланиш) тугаши кафолатланган, модомики, ҳар бир қадамда I нинг қиймати ортиб боради, ва у албатта N чегарасигача чекли қадамлар сони етади, ҳақиқатдан агар устма-уст тушишлар кузатилмаса, бу N қадамдан кейин бажарилиши кузатилади.

Албатта, ҳар бир қадамда индекснинг ортиб бориши ва мантиқий ифодаларни ҳисоблаш талаб этилади. Бу ишни соддалаштириш ва шу йўл билан қидирувни жадаллаштириш мумкинми? Ягона имконият - мантиқий ифоданинг ўзини соддалаштиришга ҳаракат қилиш, у иккита ҳаддан иборат эканлиги маълум. Бизнинг мураккаб масаламизга эквивалент бўлган содда шартни ифодалаш - оддий ечимга йўналтирилган ягона имконият эканлиги келиб чиқади. Агар биз устма-уст тушишлар доимо юз беришини таъминласак, буни бажариш мумкин.

Бунинг учун массив охирида қўшимча элемент x қиймати билан эълон қилинади. Бундай ёрдамчи элементни *барьер тўсиқ* деб, у массив чегарасидан ўтиб кетишидан сақлайди. Энди массив қуйидагича ифодаланади:

A : ARRAY [0…N] OF INTEGER

Натижада қидирувнинг чизиқли алгоритми тўсиқ билан қуйидаги кўринишда ёзилади:

```
a [N] : = x;  I :=0;
WHILE  a[i]  # x DO  i : =i+1  END ;
```
(1.38)

Натижавий шарт, киритилган шу инвариантларнинг ўзидан, ва дастлаб:

$(a_i = x) \& (Ak: 0 \le k < i: a_k \ne x)$.

Шак-шубхасиз, i=N тенглик шундан гувоҳлик берадики, устма-уст тушишлар (агар тўсиқ билан устма-уст тушишини ҳисобга олмаганда) бўлмаган.

1.12.2. Иккига бўлиб қидирмок (иккиламчи қидирув)

Шуниси аниққи, агар қидирилаётган маълумотлар ичида биронтаси ҳақида маълумот бўлмаса, қидирувни тезлаштирувчи бошқа усуллар мавжуд эмас. Яхши маълумки, агар маълумотлар тартибли бўлса, қидирувимизни янада осонлаштириш мумкин. Тасаввур қилиб кўринга, агар ишлатаётган телефон маълумотномасида барча фамилиялар бетартиб жойлашган бўлса. Бу гўёки, мутлақо фойдасиз жисм! Шунинг учун биз алгоритмдан, массив а тартибга солинган дея, фойдаланамиз, яъни қуйидаги шартга бажарилади:

$$Ak: 1 \le k < N : a_{k-1} \le a_k . \qquad (1.39)$$

Асосий ғоя – тасодифий равишда биронта элементни танлаш, масалан *ам*, ва уни қидирилаётган *х* аргумент билан солиштирамиз, шунда биз индекси *м* га тенг ёки ундан кичик бўлган барча элементлар кейинги қидирув жараёнидан мустасно қилинади: агарда у *х* дан катта белса, индекси м га тенг ва катта бўлган барча элементлар чиқариб ташланади, деган хулосага келамиз, бу ўз навбатида бизни (иккига бўлиб қидирмок) алгоритмга олиб келади. Бу ердаги L ва R икки ўзгарувчи мос равишда *а* массиви секциясининг чап ва ўнг тарафларини билдиради, қаердаки керакли элементни учратишимиз мумкин.

```
L :=0;   R :=N-1;   found  :=FALSE;
WHILE  ( l < = R ) & ~ found DO
m :=любое значение между L и R:
IF a[m]=x THEN found := TRUE                                    (1.40)
ELSIF   a[m] < x THEN L :=m+1
ELSE  R  :=m-1
END
END;
```

Циклнинг бошқача варианти, яни тактларнинг ҳар бир қадамида бажариладиган шарти:

$$(L \le R) \ \& \ (Ak: 0 \le k < L : ak < x) \qquad (1.41)$$
$$\& \ (Ak: R \le k < L : ak < x)$$

Шундан қуйидаги натижага келамиз:

$$found \ OR \ ((L > R) \ \& \ (Ak: 0 \le k < L: ak < x)$$
$$\& \ (Ak : R \le k < L: ak < x)$$

бундан келиб чиқадики:

$$(am = x) \ OR \ (Ak : 0 \le k < N : ak \ne x).$$

m ни танлашнинг асосий хусусияти шундаки, унинг алгоритмга боғлиқ бўламаслигидир. Бироқ, унинг эффективлигига m нинг танланиши таъсир қилади. Бундан маълум бўладики, бизнинг вазифамиз бу-танлашнинг келгуси ҳар бир босқичида, натижа қандай бўлишидан қатъий назар, иложи борича кўпроқ элементни чиқариб ташлаш ҳисобланади. Ўртача элементни танлаш эса энг тўғри ечим бўлади, чунки бунда барибир массивнинг ярми чиқариб ташланади. Натижада, максимал солиштиришлар сони log N энг яқин бир бутун яхлитлашгача бўлади. Шундай қилиб, келтирилган алгоритм, чизиқли излаш дан устун туради, чунки у ерда кутилаётган солиштиришлар сони –N/2 дир.

$$(Ak: 0 \le k < L : ak < x) \ \& \ (Ak: R \le k < N : ak \ge x), \qquad (1.42)$$

```
L : =0;   R :=N;
WHILE L<R DO
  m:=(L+R) DIV  2:                                              (1.43)
IF a[m]< x THEN  L:=m+1   ELSE   R  :=m  END
END:
```

Шартли операторларнининг бошланғич қисмларининг ўринларини ўзгартириш билан эффективликни бироз яхшилаш мумкин. Тенгликни текширишни 2- навбатда қилиш мумкин., чунки у бир маротабагина қаноатлантирилади ва ишнинг якунланишига олиб келади. Лекин, қуйидагича фикрлаш ҳақиқатга яқинроқдир: чизиқли излашда якунлаш шартларини янада соддалаштирадиган ечимни топиш мукинми. Шунда биз ҳақиқатдан ҳам тўғри келиш фиксациясида излашни якунлашмоқчи бўлганимизда, шундай тез алгоритмни топамиз. Биринчи кўринишда бу жуда ғалати туюлиши мумкин, лекин синчковлик билан кузатганда, эффективликнинг ҳар бир қадамидаги ютуғи бир неча қўшимча элементларни солиштиришдаги йўқотишлардан устундир. Эслатиб ўтамиз, қадамлар сони энг ёмон вазиятда ҳам- log N дир. Тез алгоритм қуйидаги инвариантдга асосланади:

(Ak:0≤k<L:ak<x)&(Ak:R≤k<N:ak≥x),

Излашларнинг қабул қилиши иккала секция массивни тўлиқ “босмагунча” давом этади..

```
L : =0;    R :=N;
WHILE L<R DO
  m:=(L+R) DIV  2:                                                    (1.43)
IF a[m]< x THEN  L:=m+1    ELSE   R  :=m  END
END:
```

Якунлашнинг шартлари L ≥ R дир, аммо бунга эришиш мумкинми? Буни исботлаш учун ҳар бир қадамда R-Lнинг турлилиги барча шароитларида ҳам камайиб боришини кўрсатишимиз зарур. Ҳар бир қадамнинг бошида L<R. Мнинг ўртача арифметигига L≤m<R шарти ўринлидир. Демак, турлилик ҳақиқатдан ҳам камайиб боради, ахир ёки L, m+1 да ўз ҳусусиятини юқорилатади, ёки R, m да ҳусуиятини камайтиради. L=R бўлганда циклнинг такрорланиши тугайди. Лекин, бизнинг инвариант ва L=R шарти бир-бирига мос келганидан далолат эмасдир. Албатта, R=N да ҳеч қандай мосликлар йўқ. Бошқа ҳолларда, биз a[R] элементи тенглаштиришларда ҳеч қачон иштирок этмаслигини ҳисобга олишимиз керак. Кейин эса, a[R] =x тенглигига қўшимча текширув зарур бўлади. Биринчи ечимимиздан фарқли ўлароқ (1.40), келтирилган алгоритм, чизиқли излашда бўланлиги каби, энг кичик тўғри келувчи индексли элементни топади.

$$(x = y) = (Aj : 0 \le j < M : x_j = y_j),$$

$$(x < y) = Ei : 0 \le i < N : ((Aj : 0 \le j < i : x_j) \,\&\, (x_i < y_i)).$$

1.12.3. Жадвалда излаш

Массивда излашни баъзида жадвалда излаш, деб ҳам юритилади, айниқса сонлар ва белгилар массивининг таркибий объектининг калити бўлганда кўпроқ айтилади. Белгилар массивини сатр ёки сўз деб юритилганда, охиргиси кўпроқ учрайди. Сатрли *тип* қуйидагича ифодаланади.:

String = ARRAY [0. .M-1] OF CHAR: (1.44)

Сатрларга тартибнинг муносабати ҳам аниқлаштирилади.

$$(x = y) = (Aj : 0 \le j < M : x_j = y_j),$$

$$(x < y) = Ei : 0 \le i < N : ((Aj : 0 \le j < i : x_j) \,\&\, (x_i < y_i)).$$

Мос келиш фактини ўрнатиш учун, биз тенглаштирилувчи сатрларнинг ҳамма белгилари бир-бирига тенг эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Шунинг учун, таркибий операндларининг тенглаштирилиши, унинг мос келмайдиган қисмларининг изланишига олиб боради, яъни “тенгсизликни” излашга олиб боради. Агар тенг эмас қисмлар бўлмаса, унда тенглик ҳақида гапириш мумкин. Масалан, сўз ўлчами жуда кичик, яъни 30 дан кичик. Бундай ҳолда, биз чизиқли излашни қўллаймиз ва шундай қиламиз.

Кўпчилик тажрибавий қўлланмаларда сатрла ўзгарувчан ўлчамлардан иборат эканлигидан келиб чиқиш керак. Бунда таҳмин қилинишича, ўлчам ҳар бир алоҳида сатрда кўрсатилади.. агарда илгари таърифланган кўринишдан келиб чиқадиган бўлсак, бунда ўлчам M нинг максимал ўлчамидан ошмаслиги керак бўлади. Бундай схема жуда қулай бўлиб, барча ҳолларга тўғри келади ҳамда бир пайтнинг ўзида ҳотиранинг динамик тақсимланишининг қийинчиликларини олдини ола олади. Кўпинча сатрлар ўлчамининг қуйидагича иккита кўринишда тасаввур қилинади:

1. Якуний белгининг қўшилиши йўли билан ўлчамни ҳираоқ кўрсатиш, бу белги бошқа ҳеч қаерда ишлатилмайди. Одатда бунинг учун 0C ҳусусиятли “босмаланмайдиган” белги ишлатилади.(Келгусида бу барча белгилар ичида минимал белги эканлиги муҳимдир).

2.ўлчам биринчи элемент массиви сифатида сақланади, яъни s сатри қуйидагича кўринишга эга бўлади: $s = s_0, s_1, s_2, ..., s_{N-1}$. Бунда, $s_1, ..., s_{N-1}$ →сатрларнинг фактик белгилари, а s0 = CHR(N). Бундай ёндашувнинг ижобий томони шуки, ўлчамнинг аниқ очиқлигида, салбий томони эса ўлчам кўпчилик белгиларнинг ўлчамлари билан чегараланади(256).

Навбатдаги излаш алгоритмда биз биринчи чизмага урғу берамиз. Бу ҳолатда сатрларни солиштириш қуйидагича амалга оширилади:

```
i :=0;                                                    (1.45)
WHILE (x[i] = y[i]) & (x[i] # 0C) DO i := i+1 END:
```

Якуний белги асос сифатида ишлайди, циклнинг инварианти эса қуйидагича:
$Aj : 0 \le j < i : x_j = y_j \neq 0C$.

Натижаловчи шартлар эса қуйидаги шаклда бўлади:
$((x_i \neq y_i) OR (x_i = 0C)) \& (A_j : 0 \le j < i; x_j = y_j \neq 0C)$.

xi=yi шартида x ва *y мос тушади деб ҳисобланади, агарда xi<yi*, унда *x=y* бўлади.

Энди биз жадвалда излаш масаласига қайтишга тайёрмиз. У “киритилган” излашларни талаб этади, айнан: жадвал сатрлари бўйича излаш, ҳар бир сатр учун эса компонентлар учун кетма-кет солиштирилишидир. Масалан, Т-жадвали ва х-излаш аргументи қуйидагича кўринишда аниқланади.

```
T : ARRAY [0..N-1] OF String;
x: String;
```

Фараз қиламиз, N етарлича катта, жадвал эса алфавит тартибида тартибланган. Баравар бўлиш йўли билан излашдан фойдаланамиз. Юқорида айтиб ўтилган мос келувчи алгоритмларни (1.43) ва сатрларни тенглаштиришни қўллаб (1.45), программанинг қуйидагича фрагментини ҳосил қиламиз.

```
L := 0; R := N;
WHILE L<R DO
m := (L+R) DIV 2; i=0;
WHILE (T[m,i] = x[i]) & (x[i] #0C) DO i:= i+1 END;
IF T [m,i] < x[i] THEN L:=m+1 ELSE R :=m END                    (1.46)
END;
IF R< N THEN i:=0;
WHILE (T[R,i] = x[i]) & (x [i] # 0C) DO i:= i+1 END
END;
(*(R<N) & (T[R,i] =x[i] ) фиксирует совпадение *)
```

1.12.4. Сатрни тўғридан-тўғри излаш.

Кўпинча излашнинг сатр излаш деб номланувчи специфик излашга дуч келамиз. Уни қуйидагича йўл билан аниқлаш мумкин. N элементлардан s массиви берилган бўлсин, M элементлардан p массиви берилган бўлсин, бунда $0 < M \le N$ бўлади. Бундай кўринишда бўлади:

```
s: ARRAY [0..N-1] OF item;
p: ARRAY [0..M-1] OF item;
```

Сатр излаш биринчи навбатда p нинг s ичига кирганлигини аниқлайди. Одатда item- бу белги, яъни s ни айрим матн деб ҳисоблаш мумкин, p ни эса шакл ёки сўз деб ҳисобланиши мумкин ва биз берилган матнга биринчи киришни топишни ҳохлаймиз. Бу ҳаракат матнларни қайта ишлаш системаларининг барчасига тааллуқли бўлади. Бунда бу

масала билан эффектив алгоритм билан боғлиқлик билинади. Бироқ, эффективликка эътибор қаратишдан олдин келинг "тўғричизиқли" излаш алгоритмини таҳлил қиламиз. Биз уни тўғридан тўғри сатр излаш деб атаймиз.

Алгоритмни аниқлаштиришдан олдин, биз ундан қандай натижа олишни ҳохлашимизни аниқлаштирамиз. Сатрнинг бошига йўналтирувчи ва шаклга мос келувчи натижани *i деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақсадда предикат P(i,j) киритилган:*

$$P(i,j) = Ak : 0 \le k < j : s_{i+k} = p_k . \quad (1.47)$$

Бизнинг натижаловчи индексимиз бу P(i,M) предикатимизни қаноатлантириш керак. Лекин бу етарли эмас. Излаш биринчи шаклнинг киришни топиши керак, P(k,M) $k<i$ ларнинг барчасига ёлғон бўлиши керак. Бу шартни *Q(i)* орқали ифодалаймиз.

$$Q(i) = Ak : 0 \le k < i :\sim P(k,M) . \quad (1.48)$$

Қўйилган масала такрорланувчи излаш расмийлаштирилиши кераклиги ҳақида ўйлантиради, ва биз қуйидагича вариантни таклиф этамиз.

```
i :=-1;
REPEAT i:=i+1 (*Q(i)*)
found :=P(i,M)
UNTIL  found OR (i=N-M);
```

Р ни ҳисоблаш, яна алоҳида белгиларнинг такрорланувчи тенглаштирилувчиларига олиб келади. Агарда Р га Морган теоремасини қўлласак, унда итерациялар шакл билан сатр белгиларининг мос келмаслигини "излаши" керак бўлади.

$$P(i,j) = (Ak : 0 \le k < j : s_{i+k} = p_k) = (\sim Ek : 0 \le k < j : s_{i+k} \ne p_k) .$$

Бундай аниқлаштириш натижасида биз такрорланиш ичидаги такрорланишга дуч келамиз. Р ва Q предикатлари программаларнинг тегишли жойларига изоҳ сифатида киритилади. Улар ўзида цикллар инвариантларининг эслатиб ўтилган итератив жараёнларида намоён бўлади.

```
i :=-1;
REPEAT i:=i+1; j:=0; (*Q(i)*)                                   (1.49)
WHILE (j < M) & (s[i+j] = p[j]) DO (*P(i,j+1)*) j := j+1 END
(*Q(i) & P(i,j)) & ((j = M) OR (s[i+j] # p[j]))*)
UNTIL (j=M) OR (i=N-M);
```

Аслида j=M аъзоси якунловчи шартда found шартига тўғри келади, чунки бундан *P(i,M)* келиб чиқади. *i=N-M* аъзоси *Q (N-M)* ни келтириб чиқаради ва сатрнинг ҳеч қаерида мослик йўқлигидан далолат беради. Агар, $j<M$ да итерациялар такрорланса, (1.47) дан *~P(i,j), кейин* (1.48) дан *Q(i+1)* келиб чиқиб, *I* нинг навбатдаги оширилишидан сўнг *Q(i)* нинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Сатрда тўғридан -тўғри излашнинг таҳлили. Агар биз ички цикллардаги бир неча мосликлардан кейин бир жуфт белгиларнинг мос келмаслигига йўл қўйганимизда бу алгоритм етарлича тўғри ишлайди. Item туринг юқори кучида бу кўп учрайдиган ҳолатдир. 128 белгидан иборат матнлар учун тўғри келмаслик бир ёки икки текширувдан сўнг аниқланади. Бундан ташқари салбий оқибатда ҳаракат хавфга олиб келади. Масалан, *N-1* дан иборат сатрдаги А белгилар ва ягона В, шакл эса *M–1* дан иборат А белгилар ва В. Сатрнинг оҳиридаги мосликни топиш учун *N* M* тартибидаги солиштиришни амалга ошириш керак бўлади. Бахтимизга, яқинда биз бу ноқулай вариантнинг яхшиланишига олиб келадиган усулни кўра оламиз.

Назорат саволлари

1.Қидирув ҳақида маълумот беринг.

2. Чизиқли қидирувни тушунтиринг.

3. Иккига бўлиб қидирмок (иккиламчи қидирув).

4. Жадвалда излаш

Тест саволлари.

1. Қайси тип (тури) (ключ) калит рўлини бажарадиган айрим поле (майдонлар)лардан ёзиб олишларни ифодалайди?

А) item Б) WHILE В) ELSIF Г) UNTIL

2. Қандай тўсиқ массив чегарасидан ўтиб кетишидан сақлайди?

А) *барьер Б) дравер В)кавер Д) тўгри жавоб йўқ*

3. Шартли операторларнининг бошланғич қисмларининг ўринларини ўзгартириш билан нимага эришиш мумкин?

А) эффективликка Б)Тэзкорлигига В) Оперативлигига Г) Натижавийлигига